

Тижорат мақсадларида чоп этилган, ижроси ижрочи иштирокида ёзиб олинган фонограммани прокатта бериш ҳуқуқи ижрочи фонограммага ёзиб олиш тўғрисида шартнома тузилганда фонограммани тайёрловчига ўтади. Тижорат мақсадларида чоп этилган фонограмма нусхаларини прокатта беришда ижроси фонограммага ёзиб олинган ижрочи бундай фонограмма нусхалари прокати учун ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Тижорат мақсадларида чоп этилган аудиовизуал асар нусхаларини прокатта беришда ижроси аудиовизуал асарга киритилган ижрочи бундай аудиовизуал асар нусхаларини прокати учун ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Тижорат мақсадларида чоп этилган фонограмма ёки аудиовизуал асар нусхаларини прокатта беришда ҳақни йиғиш ва тақсимлаш ижрочиларнинг мулк ҳуқуқларини амалвий асосда бошқарувчи ташкилот томонидан жамлаб оширилиши мумкин. Ҳақ миқдори бундай ташкилот билан прокатта беришчи ташкилот ўртасидаги келишувда белгиланади.

«МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР Тўғрисида»ги ҚОНУН 49-МОДДА

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!



# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 32  
(487)  
2006 йил  
15 август  
сешанба

Сотувда эркин нархда

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги олдида

Istiqlol va imkoniyat

## ДОРИЛОМОН КУНЛАР ШУҚУҚИ

## ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ

шарофатидан жамиятимиздаги

демократиялашув жараёни тобора чуқурлашяпти

«Жинорий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни (2001 йил 29 августнинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ ва қонунчилик тизимини ислоҳ қилиш томон ташланган энг катта ва салмоқли қадамлардан бири бўлганлигини тобора яққол илғаб етаяпмиз.

Кизик ҳолат: шу кунларда «демократия» иборасини оғзидан қўймаётган ва уни Марказий Осиё давлатларига «кенг ёйиш» тарафдори сифатида майдонга чиқатган «ғарб демократияси намояндалари» ўз давлатлари қонунларида жазоларни енгиллатувчи ҳолатлар — ярашув, кечиримлилик ва бағрикенглик ҳолатлар бор-йўқлигига эътибор беришармикан? Демократиянинг бундай намунасини улар аслида Ўзбекистондан ўрганишгани маъқул эмасми? Мамлакатимиз фуқароларига берилган бу каби демократик эркинликлар, имтиёз ва ҳақ-ҳуқуқлар ер юзининг саноклигига ҳудудларида бўлса бардир. Аммо ота-онаси ўз яқини, дўст-биродари олдида «эркин» бўлган «ғарбда уни топиш амримаҳол.

Шуни айтиш жоизки, мамлакатимизда жиноятчиликнинг оғир турлари йил сайин камайиб бормоқда. Далил дейсизми? Марҳамат, 2005 йилга келиб, оғир ва ўта оғир жиноятлар 2000 йилга нисбатан 2 баравар камайган. Жинорий жазолар ва жазо ўташ тартибини либераллаштиришга доир қонун ҳужжатига (Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августда қабул қилган қонуни) ва Президент фармони (2003 йил 26 сентябр) қабул қилинганидан

бўён ўтган вақт ичида жазони ижро этиш муассасаларидаги маҳкумлар сони деярли 2,5 баравар қисқартирилган.

Биргина Хоразм вилоятида кейинги беш йил ичида 1700 нафардан ортиқ фуқаролар ўзaro ярашгани сабабли жинорий жазолардан озод қилинган. Эътиборли жиҳати шундаки, ўтган ана шу муддат ичида уларнинг биронтаси ҳам қайта жиноят содир этмаган! Бу эса жазодан озод қилиш такрорий жиноятларга йўл очади, деган давронинг таги пуч эканини яққол исботидир. Аксинча, бағрикенглик инсонийликка, кечиримлилик меҳр-оқибатга йўл очди.

Бу ҳолни муқаддам жиноят содир этганларнинг кейинги хатти-ҳаракатини кузатган киши яна ҳам аниқ сөзади. Такрорий жиноятларга мойилликнинг камайиши мамлакат қонунчилигида жинорий жазоларни либераллаштириш тартиби жорий этилган пайтдаёқ кузатилган эди.

Масалан, 2003 йил муқаддам жиноят содир этганлар томонидан қонунбузарликка қайта қўл уриш ҳолатлари 0,3 фоизга камайган. Кейинги йили бу кўрсаткич 5 фоизга етди. Такрорий жиноятга қўл уриш ҳоллари 2005 йили 6,5 фоизга, шу йилнинг биринчи ярмида эса яна 9

фоизга камайди. Қонун билан муҳофазаланган бағрикенглик ва кечиримлилик ана шундай илҳомий натижа берди.

Жиноят кодексига киритилган янги 66,1-модда том маънода бағрикенглик ва инсонпарварлик намунасида. Айни пайтда у янги қонун жамиятининг инсон омилини улғайта даяват этувчи ўзига хос фалсафасини яратди. Бу фалсафа давлатимиз раҳбарининг «Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашининг самарадорлиги жазонинг шафқатсизлиги билан эмас, балки биринчи навбатда қонунни бузган шахсининг жазонинг муқарраллигини нечоғлиқ англашига боғлиқ», деган ғоясини ўзида мужассам этган.

Яна шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, бу қонуннинг хатти-ҳаракат содир қилганларнинг барчасини жазодан озод этиш лозим, деган мазмунни англашмайди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, бағрикенгликнинг бу намунаси жазонинг муқарраллигини чин дилдан англаб, ўз қилмишига пушаймонлик билдирган, қинғирликдан ҳазар қилиш йўлига ўтганларга нисбатан қўлланадиган зарур. Ҳозирги пайтда худди шу фикрга амал қилинапти.

(Давоми учинчи бетда)



Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдеворидир. Ислом КАРИМОВ

Истиқлол йилларида кўпдан-кўп улуг ишлар амалга оширилди, аммо улар ичида таълим тизимидagi ислохотлар алоҳида ўрин тутди. Яқин ўтмишдаги институтлар биносига нисбатан кўркам ва замонавий бўлган янги мактаблар, лицей ва коллежлар шахару қишлоқларимиз кўрғига кўрк қўшиб, чиройини очиб юбормоқда.

ободлиги йўлидаги сертармок ва кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда катта ҳаражат талаб этишига қарамастан, таълим тизимидagi ислохотларни сиёсатимизнинг устувор йўналиши сифатида белгиледи.

«Мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир», деган фикрини кўп мушоҳада қилман, — деб таъкидлайди Президент Ислом Каримов. — Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — таълим муаммолари мутахассислар томонидан таълим тизимидagi бетакрор янги модел сифатида эътироф этилгани беҳиз эмас. У ўз ғояси, мақсад ва вазифалари билан ғоятда эзгу ва бетакрордир. Шу боис жаҳон миқосида катта қизиқиш уйғотди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — таълим муаммоларига чуқур илмий ва замонавий ёндашув маҳсули. У давлат сиёсати ва ижтимоий тараққиёт билан chambarnas боғлиқ, ўзига хос миллий йўналиш ва теран илдишларга эга. Шу билан бирга, дастур жаҳон таълим тизимидagi энг афзал жиҳатларини ўзида мужассам этган.

Касб-хўнара коллежида эса камида икки-уч замонавий касб-хўнара ўрганилади. Бу эса бозор муносабати шароитида ёшларнинг ижтимоий жиёсийини таъмин этади.

Умуман, уч йиллик академик лицейлар ва касб-хўнара коллежлари мутлақо янги таълим муассасалари, десак, хато бўлмайди. Улар муқамал замонавий таълим жиҳатлари билан таъминланганки, булар барчаси маърифатли келажақ пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Таълим тизимидagi ислохотлар, айниқса, ёш авлод ўқиши, касб-хўнара эгаллаши учун яратилган замонавий шарт-шароит ҳамманинг ҳавасини келтиради. Лекин ўзингиз ўйланг, бу ўз-ўзидан бўладими, ахир?!

Эътибор қилинг, агар тўқсонинчи йилларнинг охирида илм-фан ва таълим соҳасини ривожлантириш учун ажратилган маблағ Финландияда ялли ички маҳсулотнинг 7,3, Канадада 7,2, АКШда 5, Японияда 4,9, Туркияда 3,5, Россияда 3 фоизни ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 8 фоиздан ортиқдир. Яъни, Миллий дастурда кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, баркамол авлод орусини рўёбга чиқариш учун

Таълим — Ўзбекистоннинг энг чекка қишлоқларидан бири. Табиғий ҳушқаво, тоғ ёнбағрида жойлашган. Туман марказидан анча олинса. Ҳовийлар ҳам бир-бирдан узокроқ, тарқоқ. Қўшинини бақириб-чақирсанг ҳам эшитиши даргумон. Бу ерларга машинада бориш ҳам мушкул. Нотекис йўللарда фақат от-улов асосий транспорт воситаси ҳисобланади.

Askarlarimiz vijayotida

## ЭРГАШ БОБО ЧЕГАРАЧИЛАРДАН МИННАТДОР

2005 йилнинг ёзида, пешин маҳалли Камолддин буваси Эргаш бобо билан далада сомон йиғиштираётганди. Тўсатдан захарли илон Камолддинни чақиб олди. Қишлоқнинг гўр йиғити бектиёр илонни босиб олган экан...

Набирасининг тўсатдан дод-войини эшитган Эргаш бобо аввалига ҳайрон бўлди, воқеани англагач эса, нима қилишини билмай, бир зум анграйиб қолди. Кўз олдида суюкли набирасини ўлим билан аёвсиз олишиб, тўлғанди. Энг яқин одамнинг дарддан қийналиб турсаю, сөн унга ҳеч бир ёрдам кўрсатолмасанг... Эргаш бобо ҳозир худди шундай ҳолга тушганди.

Фалокат келса, қўша келади деганларидек, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Эргаш бобонинг термизлик невараси Отабек ҳам зирвор гивёллар териб юрганида тоғдан қулаб тушди. Унг қўли ва қовурғасидан қаттиқ жароҳатланди. Унга қолганда эса у мустақил ҳаракатлана олмаслиги маълум бўлди. Бу сафар ҳам чегарачилар ёрдам-



га етиб келиши. Отабекнинг қил устида турган ҳаёти сақлаб қолинди. Ҳозир бобонинг иккала невараси ҳам дарукун ўсаппти. Бир оилага кетмакەт ёлган фалокат чегарачиларнинг инсонийлиги туфайли тўлиқ бартараф этилди.

— Аскар ўғилларимдан жуда миннатдорман, — дейди таълимчи Эргаш бобо кўзларидан қувонч ёшлари милтиллаб. — Агар болаларимдек азиз бўлиб қолган шу неҳрибон чегарачилар бўлганганида, невараларимнинг ҳоли не қанган бўларди? Айни қаринда чоғимда, айрилиқ азобини кўтара олмасдим. Ҳарбий ўғилларим ўзларининг беминнат ёрдамлари билан

нафақат невараларимнинг, балки мени ҳам ҳаётимни сақлаб қолинди. Оилам бошига ёлган фалокатни аритишди. Фаровон ва бахтиёр дамларимизни яна қайтариб беришди.

— Бизнинг вазифамиз нафақат чегарани кўриқлаш, балки биринчи навбатда, юртимизнинг ҳар бир фуқаросига қўлдан келганча ёрдам беришдир. — дейди «Хатак» чегара пости командири, катта лейтенант Бахтиёр Исаев. — Ҳалқимизга ёрдамимиз тегаётганидан, шу юрта хизмат қилаётганимиздан фархланамиз. Ҳалқинга кераклигини ҳис қилиб яшаш қандай яқши. Бу ҳисни туйиб яшаш ҳар бир ўзбек аскарига насиб этишини тилаймиз.

— Тангиликлар у-бу масалада ёрдам сўраб, бизга тез-тез мурожаат қилиб туришади, — дея командирининг гапини давом эттирди кичик сержант Фарход Турсунов. — Биз ҳам имкон қадар ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Туну кун бизга ажратилган худудни айланма юрганимизда, кунда-кунора турли ҳолатларга дуч келамиз. Кимнингдир моли йўқолса ёки кимнингдир оти бирор кўнда ботиб қолса ҳам бизга мурожаат қилишади. Бундай ҳолатларга беварқ қараб туриш биз, ўзбек чегарачиларига ярашмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, ҳар қандай шароитда ҳам ҳалқимизга ёрдам беришга, қўнимизнинг ҳар бир соати, дақиқаси тинч-осуда ўтшини таъминлашга масъулмиз.

Аслида ҳам ўзбек аскарлари ўз юрти, халқи учун шундай хизмат қилимоғи ҳарак.

Юнус БҮРОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: Эргаш бобо невараси билан чегарачиларга миннатдорчилик билдирмоқда.

(«Халқ сўзи» газетасининг 12 август сонидан олинди)

Bugunning qari

## ОҚЛАНАЁТГАН ИШОНЧ

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг «мана, бугўдйни кўрдим, бошоғи ерга эгилди турбиди. Бу — халол меҳнатларингиздан. Аммо мен пахтани ёки галлани кўришга келганим йўқ. Сизларни кўргани келдим», деган самимий сўзларидан сўнг расмиётчилик ва ҳаяжонга ҳожат қолмади. Дилдан мириқиб сўхбатлашдик.

Ортбошимиз сўхбат чоғида фермер мўл ҳосил етиштириш билан бирга замонавий билимларга эга, тежамкор бўлиши, кўп даромад ва фойда олишга интилиши, бунинг учун нафақат яқши дехқон, айни пайтда ҳисобчи, иқтисодчи бўлиши зарурлигини алоҳида таъкидлади. Юртбошимизнинг қимматли маслаҳатлари фаолиятимизни давр талаблари асосида ташкил этишда жуда асосатмоқда.

Туманимиздаги пахтачиллик ва дончиликка иختисослашган 500 дан зиёд, мева ва сабзавотчилик соҳасида 560 та фермер хўжаликлари маъзур йўл-йўриқларга амал қилган ҳолда фаолият юритаёпти. Энди ўзим ҳақимда гапирсам, кўз темгасин, йилдан-йилга баракали ҳосил олаёпти. Бултур 27 гектар пахта майдони ҳосилдорлиги гектар бошига 43 центнерни ташкил этди. 24 гектар бугўдойзорнинг ҳар гектаридан 63 центнердан дон ҳосили олдик. Бу йил эса ҳосилдорлик бундан ҳам яқши бўлди. Даромад ҳам шунга яраша. Қишлоқларимизни обод қилишга баҳоли қудрат хисса қўшаяпмиз.

Август ҳосилга ҳосил қўшиш ойдидир. Бунинг учун сугориш, культивация, чекан-

ка, зараркунандаларга қарши кураш каби агротехник тадбирларни рисоладагидек ўтказиш талаб этилади.

Пудратчиларимиз шу кеча-кундузда майдонларга шарбат суви тарашимоқда. Ғўза қатор ораларига шарбат оқизиш кўсакларнинг салмоқдорлигини таъминлайди. Сувичиларимиз ҳар бир қатра сувини зар биллиб, пайкаллари кўлатмасдан сугоришга эришмоқда. Бу билан ғўзанинг ғовлаб кетиши, гул, кўсаклар сарғайиб тўкилишининг олди олинаёпти.

Фахриддин ҚАНДОВ, Бухоро туманидаги «Ҳожи» фермер хўжалиги раҳбари

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги олдидан

# ДОРИЛОМОН КУНЛАР ШУКУҲИ

**(Давоми. Боши биринчи бетда)**

Ушбу илм даргоҳида 1050 нафар ўқувчи тахсил олади. Коллежнинг очик ва ёпиқ теннис кортлари, сузиш хавзалари, футбол майдончаси, теннис корти, гимнастика каби қатор спорт турларида ихтисослашган 18 та махсус спорт майдони мавжуд.

Анджонда бунёд этилган спорт коллежи янада кўркам ва улғувдор. Унда мингга яқин ўқувчи таълим олади, ҳудуди қарийб 17 гектарни ташкил этади.

Тўртта очик ва битта ёпиқ теннис корти, очик ва ёпиқ сузиш хавзалари, спорт майдончалари, шунингдек, хиббон ва оромгоҳлар мавжуд бўлган мазкур даргоҳ кичик олимия шаҳарчасининг нақд ўзи, десак, мулоблага бўлмайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, қисқа вақт ичида кўпгина туманлар, шунингдек, вилоятларга бўйсунувчи шаҳарларда тўққизинчи синфни битириб чиққан ўқувчиларни янги турдаги таълим муассасаларига тўлиқ жалб этишга муваффақ бўлинди.

Эндиликда ёш авлод таълим-тарбиясига ёндашув бутунлай илғавроғи томонга ўзгарди. Бир сўз билан айтганда, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи, инсон ҳақ-ҳуқуқи ва эркинликларини тўла қаролатловчи, маънавий қадрлар тайёрловчи замонавий касб-хунар таълим тизими юзага келди.

Мазкур тизим мамлакатимизнинг иқтисодий-иқтисодий, маданий-маърифий тараққиётида устувор соҳалар учун 318 та йўналишда 1000 дан ортиқ ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрламоқда. Шу билан бирга, санаот роботлари, маркетинг, менежмент, ўсимликшунослик, асарчилик, чорвачилик бўйича фермер

### БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ:

**Истиқлол даврида пойтахтимизда Техника университети (1991 йил 13 май), Кимё-технология институти (1991 йил 13 май), Молия институти (1991 йил 3 июнь), Иқтисодийт университети (1991 йил 19 июнь), Шарқшунослик институти (1991 йил 5 июль), Ҳуқуқшунослик институти (1991 йил 15 август), Жаҳон тиллари университети (1992 йил 15 июнь), Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (1992 йил 24 сентябрь), Республика Куроли Кучлар Академияси, ИИВ Академияси, Авиация институти (1995 йил 2 июль), Банк-молия Академияси (1996 йил 2 май), Миллий расомчилик ва дизайн институти (1997 йил 11 март), Педагогика университети (1998 йил 2 февраль), Ислам университети (1999 йил 6 май), Республика рақс ва хореография олий мактаби (1997 йил 8 январь), Вестминстер университети (2002 йил 16 январь), Божхона олий мактаби (2002 йил) ташкил этилди.**



122856 нафар ёш ўз соҳаси бўйича ишга жойлашди, 11989 нафар йигит-қиз эса олий таълим даргоҳлари талабалари сафидан ўрин олишди.

Касб-хунар таълим муассасалари ўқувчилари 2000 йил Кореяда ўтказилган 41-Халқаро математика олимпиадасида, 2001 йили АҚШнинг Вашингтон шаҳрида ўтказилган 42-Халқаро математика олимпиадасида, Москва шаҳрида ўтказилган 35-Халқаро Менделеев олимпиадасида, 2002 йили Алматыда ўтказилган 36-Халқаро Менделеев олимпиадасида, 2003 йили Токиода ўтказилган Халқаро 44-математика олимпиадасида, 2004 йили Афғанистонда ўтказилган Халқаро 45-математика олимпиадасида ва халқаро танловларда олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлгани, совринли ўринларни кўлга киритгани уларнинг салоҳияти йилдан-йилга ўсим бораётганидан далолат беради.

Нукус санъат коллежнинг ўқувчиси Гулбахор Акхитметова, Зарафшон академик лицейи ўқувчиси Гулноза Назарова, ТошДАУ қошидаги академик лицейи ўқувчиси София Бермағамбетова каби кўпдан-кўп иқтидорли қизлар ўз истеъдодини намойиш этиб,

шиддатига ўрганиб қолишган... Ҳозирги кунда мамлакатимизда жами 919 та ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаси бўлиб, уларда 792753 нафар ўқувчи таълим олмақда, шундан 831 та касб-хунар коллежиди 757403 нафар ўқувчи, 67 та академик лицейида

### Muloqot

## ДИПЛОМИМ ТАН ОЛИНАДИМИ?

— Мен бундан саккиз йил муқаддам қўшни республикалардан бирини олий ўқув юртини тугатган эдим. Ушбу институтида тугатганим ҳақидаги дипломимни республикамизда нострификация қилиш мумкинми?

**Э.Қобилов, Самарқанд вилояти**

— Агар сиз тугатган институт тегишли тартибда аккредитациядан ўтган ва ўзи жойлашган давлатда расман тан олинган бўлса, дипломингизни нострификация қилдиришингиз мумкин. Чунки мамлакатимизда Вазиirlар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификация қилиш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисида»ги Низомига асосан таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш учун:

— таълим тўғрисидаги ҳужжатни берган таълим муассасаси ўзи жойлашган давлатнинг ваколатли идоралари томонидан тан олинган бўлиши;

— таълим тўғрисидаги ҳужжатни берган таълим муассасаси ўзи жойлашган давлатнинг ваколатли идоралари томонидан тан олинган бўлиши;

## ҲУҚУҚИЙ АСОС БОР

— Яқинда ишхонамиздаги бир гуруҳ ходимлар сайёҳ сифатида қадимий шаҳарларимиздан бирига томошага бордик. Бироқ ўқиб ҳодимимиз эскурис вақтида юз берган бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги маълумотларни билан туристик фаолиятини билан шуғулланувчи субъектлар бу борада ҳеч қандай чора кўришмади. Айтинг-чи, уларнинг бу борадаги фаолиятини учун асос вазифасини ўтайдиган бирор-бир ҳуқуқий меърийдир ҳужжат борми?

**Ш.КОМИЛОВ, Фарғона вилояти**

— Ҳа, шундай қонуний асос мавжуд. «Туризм тўғрисида»ги қонуний мақсади туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик хизматлар бозорини ривожлантириш, шунингдек, туристлар ва туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

— Ҳа, шундай қонуний асос мавжуд. «Туризм тўғрисида»ги қонуний мақсади туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик хизматлар бозорини ривожлантириш, шунингдек, туристлар ва туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Ушбу қонуний 19-моддада туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида сўз юритилган бўлиб, унга мувофиқ туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

— туристларнинг саёхатлар, сафарлар, мусобақалар, бошқа туристик тадбирларга тайёрларлиги устидан назоратни амалга ошириши;

— туристларнинг сафарда хавф-хатардан холи бўлишлари учун шарт-шароитни, сафар, сайр, эскурисга йўлларни, мусобақалар ўтказиладиган жойларнинг ободонлигини таъминлаши;

— туристларга ҳароҳатланмиш ва бахтсиз ҳодисалардан сақланиш ҳамда уларнинг олдини олиш усулларини ўргатиш, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан йўл-йўриқлар бериши, шунингдек, белгиланган йўналишнинг хусусияти ва туристларнинг ҳатти-ҳаракатига боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган

— туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, экстремал вазиятларда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида хизмат кўрсатиши кўзлаб, кидирув-қутқарув хизматлари билан шартномалар тузади. Кидирув-қутқарув хизматлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

— туристларга ҳароҳатланмиш ва бахтсиз ҳодисалардан сақланиш ҳамда уларнинг олдини олиш усулларини ўргатиш, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан йўл-йўриқлар бериши, шунингдек, белгиланган йўналишнинг хусусияти ва туристларнинг ҳатти-ҳаракатига боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган

## ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХС ҲУҚУҚИ

— Ёшим 15 да. Бир ташкилот билан иш юзасидан битим тузмоқчи эдим. Вояга етмаганликдан битим тузиши мумкинми ва у қандай асосларга кўра амалга оширилади?

**Ф.ФАРМОНОВ, Бўка тумани**

— Фўқаролик кодексининг 27-моддасига биноан ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ушбу модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилганлардан ташқари, битимларни ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилар ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан тузади. Бундай вояга етмаган шахс томонидан тузилган битим кейинчалик шахсининг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийси ёзма равишда маъқуллагандан сўнг у ҳам ҳақиқий ҳисобланади.

ал тасдиқлаш ёки давлат рўйхатидан ўткизиши талаб қилмайдиган битимлар, қонуний вақил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан учинчи шахсдан ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битимларни тузиш.

Ун тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ўзлари тузган битимлар бўлича мустақил равишда мулкий жавобгар бўлади. Бунда вояга етмаганлар ўзлари етказган зарар учун ўшбу кодексга мувофиқ жавобгар бўлади.

Етарли асослар мавжуд бўлганда суд ота-оналар, фарзандликка олувчилар ёки ҳомийнинг ёхуд васийлик ва ҳомийлик идорасининг илтимосномасига мувофиқ ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахсининг ўш ш ҳақи, стипендияси ёки бошқа даромадларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаб қўйиши ва бу ҳуқуқдан маҳрум қилиши мумкин (бундай вояга етмаган шахс Фўқаролик Кодекси 22-моддасининг иккинчи қисмига ёки 28-моддасига мувофиқ тўлиқ ҳақда муомала лавҳатига эга бўлган ҳоллар бундан мустасно).

1) ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадларини тасарруф этиш;  
2) фан, адабиёт ёки санъат асари, ихтиро ёхуд ўз интеллектуал фаолиятининг қонуни билан қўрилмайдиган бошқа натижаси билан боғлиқ муаллифлик ҳуқуқини амалга ошириш;  
3) қонунга мувофиқ кредит муассасаларига омонатлар қўйиш ва уларни тасарруф этиш;  
4) ушбу Кодекс 29-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган майда бошқача битимларнинг ҳамда бошқача битимлар (текин манфаат кўришга қаратилган, нотари-

— Фўқаролик кодексининг 27-моддасига биноан ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ушбу модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилганлардан ташқари, битимларни ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилар ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан тузади. Бундай вояга етмаган шахс томонидан тузилган битим кейинчалик шахсининг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийси ёзма равишда маъқуллагандан сўнг у ҳам ҳақиқий ҳисобланади.

Фазлиддин ПОЛВОНОВ, ҳуқуқшунос, Хуришда СУЛТОНОВ, «Инсон ва қонун» мухбири

Саволларга ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

### Dakki

## ПАЛАПАРТИШЛИК КЕЧИРИЛМАЙДИ

Шу йилнинг 15 июнь кунин қабул қилинган Учқўрғон тумани ҳокимининг 278-сонли қарорининг 8-бандида шундай жумлалар битилган: «Учқўрғон тумани ҳокимининг 2006 йил 18 апрелдаги 189-сонли қарорининг 3-банди бекор қилиниши ва туман ҳокимлигининг заҳира ер фондидан «Кўгай» ширкат хўжалигининг 411-422-43-лойдҳаларидаги 37-гектар, 410-лойдҳадаги 10,6 гектар — жами 47,6 гектар ер майдони чиқарилиб, мазкур қарорнинг 5-бандида биноан қайтадан танловга қўйилиши, заҳира ер фондидан 47,6 гектар ер майдони чиқариш тўғрисида ер ресурслари ва кадастр бўлими (И.Аскарбекова) таъминланган».

Мазкур қарорнинг биринчи қисмида эса туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (сотиш) масалаларини кўриш бўйича танлов комиссиясининг 2006 йил 15 июндаги йиғилиши баёни маълумот учун қабул қилиниши қайд этилган. Шу ўринда табиий савол туғулади: ҳўш, деҳқончилик юмушлари айна кизиган паллада бундай йиғилишнинг ўтказилишига нима туртки бўлди?

Мантқиқ илмига кўра, сабабсиз оқибат, оқибатсиз эса натижа бўлмайди. Ҳамма гап шундаки, Учқўрғон туманидаги «Кўгай» кишлоқ фўқаролар йиғини ҳудудда яшовчи фўқаро Салия Узоқова жорий йилнинг 3 январь кунин «Кўгай» ширкат хўжалигининг 40-лойдҳадаги ер бўйича танловда иштирок этади. Танловда яна бир талабгор Ш.Ёқубжонов ҳам иштирок этиб, 50,1 балл тўллашга эриша-



ди. Бу ҳақда қайта ташкил этиш комиссиясининг 9-сонли баённомаси расмийлаштирилган. Ш.Ёқубжоновнинг аризасига асосан, қайта ташкил этиш комис-

сиясининг 2006 йил 5 январдаги 10-сонли баённомасига мувофиқ 40-лойдҳадаги 47,6 гектар ер майдонининг 10,6 гектари аризада С.Узоқовага

ажратиб бериш белгиланган. Орадан бир кун ўтиб, яъни 6 январь кунин туман ҳокимининг 6-сонли қарорига асосан Ш.Ёқубжонов раҳбарлиги-

даги «Қосимжон-Шўхратжон-Шоҳижон-Равшанжон» фермер хўжалиғига 37,6 гектар, С.Узоқова раҳбарлиғидаги «Маҳаммадали» фермер хўжалиғига эса 10,6 гектар ер майдонлари ажратиб берилган. Туман ҳокимининг қарори жорий йилнинг 19 январь кунин вилоят ҳокими томонидан 17-сонли қарор билан тасдиқланган.

Орадан бироз вақт ўтган, Ш.Ёқубжонов комиссия номига ариза этиб 10,6 гектар ерни яна ўзига қайтариб олишни билдирган. Афтдан, Ш.Ёқубжоновнинг аризаси комиссия аъзолари томонидан инобатга олинмайди. Шу боис у туман прокуратурасига навбатдаги аризасини йўллади. У ўз аризасида қайта ташкил этиш комиссияси қонуний равишда ўзи ютиб олган 47,6 гектар ер майдонининг 10,6 гектарини С.Узоқовага бериб юборганини баён этган. Албатта, бу ҳолга С.Узоқова ҳам бефарқ қарамайди. У Ш.Ёқубжоновнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари юзасидан туман прокуратурасига шикоят ёзди. Ушбу ариза туман прокуратураси томонидан ўрганилганда Ш.Ёқубжоновнинг қайта ташкил этиш комиссиясига тақдим этган ҳужжатлари орасида меҳнат дафтарасидаги «Улуғбек» ширкат хўжалиғида пудратчи бўлиб ишлаган», дея қайд этилган маълумотлар сохта экани аниқланади.

Танловга сохта ҳужжат тақдим этгани учун Ш.Ёқубжоновга нисбатан Жиноят кодексининг 228-моддаси 1- ва 3-қисмлари билан жиноят иши кўзга тилган ҳамда туман ҳокимининг 6 январдаги 6-сонли қарорининг 1-иловаси 27-банди ва 30 январдаги 44-сонли қарорини бекор қилиш ҳақида туман ҳокими номига протест киритилган. Бунга жавобан туман ҳокимлиғи 6 январдаги 6-сонли қарорининг 1-иловаси 27-банди ва 30 январдаги 44-сонли қарорларини бекор қилиб, 47,6 гектар ер майдонини туман ҳокимининг ер фонди ҳисобига қайтарган ва 40-лойдҳа бўйича қайта танлов ўтказиш тўғрисида эълон берган. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, мазкур лойиҳа бўйича қабул қилинган 17-сонли қарор бекор қилинганча йўқ. Аммо 40-лойдҳа бўйича танлов жорий йилнинг 2 май кунин ноқонуний равишда «ими-жимиди» ўтказилган.

Яқинда Наманган вилояти адлия бошқармаси Учқўрғон тумани ҳокими номига 01-08-858-сонли тақдимнома киритди. Уйлаймики, тақдимномада кўрсатилган хато ва қонунобузлик ҳолатлари тезда бартараф этилади. Зеро, қонун палапартишликни кецирмайди. **Илҳомжон ИСМОИЛОВ, ҳуқуқшунос, Маъмур МУСУЛМОНОВ, «Инсон ва қонун» мухбири**

Охунбобоев туманидаги «Саидбарақа Хонбола» фермер хўжалиғи ҳам 2005 йилнинг 25 сентябрда «Фарғонадонмахсулот» акциядорлик жамияти билан 247-сонли контрактация шартномасини имзолаган. Фермер хўжалиғи шартномага мувофиқ ҳамқорига 74 тонна дон етказиб бериши керак эди. Лекин ўрим пайтида унинг хирмонига режадагидан 56.200 килограмм кам, яънан аникрок айтганда, 17.800 килограмм дон тўқилди, холос.

Қува туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиғида ҳам бошоқли дон етиштириш борасида ўзибуларчилик, сансоларликка йўқ қўйилди. Натижада 2005 йилнинг 4 сентябрда давлат эҳтиёжи учун 405 тонна дон харид қилиш бўйича «Қувадонмахсулот» акциядорлик жамияти билан имзолаган 7-сонли контрактация шартномаси барбод бўлди. Ширкат хўжалиғи қорхонага шартномада белгиланган 176,6 тонна кам маҳсулот етказиб берди. Бошқача айтганда, хўжалиқ меҳнатқиллари 20.309.000 сўмлик даромаддан маҳрум бўлишди.

Тарафлар ўртасида имзоланган шартноманинг 4.2-банди шартномада белгиланган сифат, микдор ва муддатларда маҳсулотни топширишдан асоссиз бўйин товлаган «хўжалиқ» тайёрловчига топширилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи микдориди жарима тулиши қайд этилган. Шунга кўра, «Қўқондонмахсу-

лот», «Фарғонадонмахсулот», «Қувадонмахсулот» акциядорлик жамиятлари раҳбарлари А.Тўрақуллов, Р.Ўзғабоев, Х.Набиев Фарғона вилояти адлия бошқармасига мурожаат қилиб, юқорида тилга олинган фермер хўжалиқларидан шартномада белгиланган жаримани ундиришда амалий ёрдам беришни сўрашди. Шундан сўнг адлия бошқармаси тайёрловчи қорхоналар манфаатини кўзлаб вилоят хўжалиқ судига даъво аризаси киритди ва суднинг ҳал қилув қарори билан «Беш Носир Низомий» фермер хўжалиғидан топширилмаган 8.191.800 сўмлик маҳсулот қийматининг 25 фоизи — 2.047.950 сўм, 6.636.096 сўм топширилмаган дон баҳосининг тўртдан бир қисми — 1.659.024 сўмини «Саидбарақа Хонбола» фермер хўжалиғидан, «Ўзбекистон» ширкат хўжалиғидан эса 19.115.184 сўмлик топширилмаган дон қийматининг белгиланган 4.778.796 сўм қисмини тегишли даъвогарларга ундириб берилди.

Хулоса шунки, шартнома шартини бажариш берилган ваъдадек қатъий эканини, аксинча иш тушган экани эса юз шувуғликка рубурў қилиниши ҳамма тушуниб етиши керак. **Фазлиддин ПОЛВОНОВ, ҳуқуқшунос, Хуришда СУЛТОНОВ, «Инсон ва қонун» мухбири**

### Tahlil ko'zgis

## ШАРТНОМАВИЙ МАЖБУРИЯТ

у лафзсизликни кечирмайди


Мамлакатимизнинг бошқа вилоятлари сингари Фарғона вилоятида ҳам бу йил йўл-кўл сара дон етиштирган фермер хўжалиқлари кўпчилигини ташкил этади. Охунбобоев туманидаги «Дилором», Ўзбекистон туманидаги «Фозилжон ота», Фурқат туманидаги «Шабодан», Учқўрғон туманидаги «Улуғбек» фермер хўжалиқлари фаолиятини бу борада ибрат сифатида кўрсатиш мумкин.

Масалан, Охунбобоев туманидаги «Дилором» фермер хўжалиғи ўтган йилнинг сентябрь ойида «Фарғонадонмахсулот» акциядорлик жамияти билан 2006 йил ҳосили учун 15 гектар майдондан 41,8 центнердан — жами 62.700 килограмм бошоқли дон етказиб бериш бўйича контрактация шартномаси имзолаган эди. Шундан сўнг фермер хўжалиғи раҳбари Дилором Аҳмедова енг шимариб ишга киришди. Фермер дастлаб ернинг сифатли қилиб ҳайдади ва экиш учун бугдоининг «Крошча элита» навини танлади. Чунки ҳосил тақдирини кўп жиҳатдан ернинг қанчалик чуқур ҳайдалгани ҳамда шароитга мос сифатли уруғ танланшига боғлиқ. Уруғини бир текис ундириб олган Дилором

опа ерига қалб кўрини бағишлади. Экинни пайхон бўлишдан сақлаш, дастлабки ўғитини бериш, қишда маҳаллий ўғит солиш, баҳорга майдонни бегона ўтлардан тозалаш каби тадбирларни ўз вақтида бажарди.

Албатта, фидокорона меҳнат ўз натижасини берди. Фермер гектаридан 41,8 центнер ўрнига 68,3 центнердан ҳосил олди. Хирмонга режадагидан 39.750 килограмм ортиқча дон тўқилди. Бунинг эвазига Д.Аҳмедова 3.816.000 сўмлик даромад эгаси бўлди.

Афсуски, вилоятдаги фермер хўжалиқларининг ҳаммасида ҳам иш Дилором Аҳмедованики сингари ташкил этилмади. Лоқайдик, бугдоий парваришини ўз ҳолга таш-



лаб қўйиш оқибатида айрим тугатилмаган ширкатлар ва фермер хўжалиқлари ўз лафзсизликларини намоян қилиб қўйишди. Ана шундан бири Башариш туманидаги «Беш Носир Низомий» фермер хўжалиғидир.

Гап шундаки, 2005 йилнинг 6 сентябрда «Қўқондонмахсулот» акциядорлик жамияти билан фермер хўжалиғи ўрта-

сида 168 тонна бошоқли дон харид қилиш бўйича 62-сон контрактация шартномаси тузилган эди. Бироқ фермер хўжалиғи зиммасидаги масъулиятни бор-йўғи 54,8 фоизга бажарди, холос. Аникроғи, фермер шартномада белгиланган 75.800 килограмм кам дон етиштириб, тайёрловчинини 8.191.800 сўмга «Чув» ту-

Инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилишнинг конституциявий талабларидан бири шахс дахлсизлиги ҳисобланади. Мамлакатимиз Конституциясига мувофиқ шахс дахлсизлигининг асосини яшаш ҳуқуқи дахлсизлиги ташкил этади. Яшаш ҳуқуқи дахлсизлиги ҳар бир инсонда туғилиш жараёнидан бошланиб, табиий ўлимга қадар давом этиши лозим. Яшаш ҳуқуқининг дахлсизлиги айни вақтда жисмоний дахлсизлик, деб ҳам аталади.

Huquqiy ma'rifat

ИНСОН ҲАЁТИ ДАХЛСИЗ

ёки ўлим жазосидан воз кечишнинг ҳаётини зарурати

Жисмоний дахлсизлик деганда, инсоннинг туғилиш жараёнидан бошлаб, бутун ҳаёти давомида эркин яшаш ҳуқуқининг дахлсизлиги тушунилади. Эркин яшаш ҳуқуқи дахлсизлиги инсон ҳаётининг дахлсизлиги, соғлигининг дахлсизлиги, жинсий дахлсизлик каби уч турга бўлинади.

Шулардан энг муҳими, инсоннинг яшаш ҳуқуқи дахлсизлигидир. Шу боис мамлакатимиз Конституциясининг 24-моддасида «яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳуқуқига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», деб белгилаб қўйилган.

Дарҳақиқат, амалдаги қонунларимизда инсон шайни ва кадр-кимагини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлигини хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш, шунингдек, қонунда белгиланмаган тартибда ҳаётдан маҳрум қилиш таъқиқланади.

Шу ўринда қонунда белгиланган тартибда ҳаётдан маҳрум қилиш деганда нима тушунилади, деган савол туғилиши мумкин. Қонунда белгиланган тартибда ҳаётдан маҳрум этиш деганда, ўлим жазоси тушунилади. Халқимиз узоқ йиллар мустақиллик даврини бошдан кечирди. Социалистик ғоя билан сугорилган ўша давр қонунчилигида инсон ҳуқуқлари масаласи ҳатто «социалистик мулк», деган тушунчадан ҳам ортда турган. Жиноятчиликка қарши кураш мафқураси одамларни ўлим билан қўрқитишга қаратилган. Буни ўша даврда авж олган қатъонлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Маълумот тарихида айбиги ўтиш жоизки, мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз худ-

дида амал қиладиган Жиноят кодексининг 30 дан ортиқ моддасида ўлим жазоси мавжуд эди. Бу жазо тури ўша эски тоталитар тузум ҳукмронлиги таъсирида кириб келган дахлсизлик инсон ҳаётининг раҳбарининг саяё-ҳаракатлари тўғрисида Жиноят кодексининг санкциясида белгиланган ўлим жазоси моддалари сони босқичма-босқич қисқариб келинмоқда. Айни вақтда ўлим жазоси «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида ўзгартирилган ва қўйилган қирғишлар тўғрисида»ги 2003 йил 12 декабрдаги қонунга асосан 2 ҳолатда содир этилган жиноятлар учун (айбни оғирлаштирадиган ҳолатда қасддан одам ўлдириш ва терроризм) жазо тариқасида қўлланилиши назарда тутилган, ҳолос.

Аммо бундай қонун йўли билан ҳаётдан маҳрум қилиш қўлгана хо-рижий давлатларда ҳамон сақланиб қолаётгани халқро ҳуқуқ соҳасида катта баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда. XX асрнинг 40 - йилларида бундай ўлим жазосини бекор қилиш халқро аҳамиятга молик муаммо саналади. Ана шу муаммони ҳал этиш мақсадида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 3-моддасида ҳар бир инсон яшаш ҳуқуқига эга экани, «Фуқаролик ва сийёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Пактнинг 6-моддаси 1-бандида ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқи экани белгилаб қўйилган. Ўлим жазосига қарши саяё-ҳаракатлар натижасида қонунчилигида жиноятлар учун ўлим жазоси назарда тутилмаган мамлакатлар 1989 йилда 35 давлатни ташкил қилган бўлса, ҳозирга келиб бундай мамлакатлар сони икки баробарга ошди. Бу ўринда Чехия, Швеция, Норвегия, Нидерландия, Исландия, Португалия, Франция, Германия, Озарбайжон, Грузия ва давлатларни мисол сифатида

кўрсатиш мумкин. Аммо ўлим жазосининг ҳанузга қадар 80 дан ортиқ мамлакатда қўлланилаётганиги таъминлашга қаратилган энг халқпарвар муносабатдир.

Хуллас, ҳар бир индивиднинг яшаш ҳуқуқи дахлсизлигини таъминлаш учун ўлим жазосидан бутунлай воз кечиш ҳаётини зарурат ҳисобланади. Шу боис Жиноят кодексининг 97-моддаси, 2-қисми ва 155-моддаларида белгиланган ўлим жазосини ўн беш йилдан қирқ беш йилгача ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Муҳими, маҳрумининг бир сониялик ўлимга юз тутиш азоби ўрнини қилган қилмишига яраша йиллар давомида ҳам руҳан, ҳам маъна, ҳам жисмонан азобланиш жараёни эгаллайтиди ва бунга жабранувчи узоқ йиллар ҳис этки, ички қаноат ҳосил қилади. Бундан ташқари, жабранувчига моддий ва маънавий зарарларни ундириш имконияти туғилади. Натижада жабранувчи манфатларининг устуворлиги таъминланади.

Шу ўринда нега ўлим жазоси ўрнига ҳам узоқ муддатли, ҳам умрбодлик озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинлаш тақлиф қилинмоқда, деган савол туғилиши мумкин. Бунга жавобан шуни таъкидлаш жоизки, жазолар муқобил (альтернатив) бўлсагина адолатли бўлади. Бундан ташқари, суд жазо тайинлашда ишнинг ҳолатига, судланувчининг ижтимоий ҳавфлилик даражасига, шахсига ва бошқа қонунда белгиланган талабларга баҳо берган ҳолда жазо тайинлаши учун тўлиқ имконият яратилади. Ваҳоланки, суд амалиётида муҳокама қилинган жиноятларнинг бир ёки бир неча ёҳуд жуда кўп қисмига нисбатан содир этиш ҳолатлари учиради. Масалан, уч нафар шахсни ўлдирганга ҳам, 10 нафар шахсни ўлдирганга ҳам бир хил жазо тайинлаб бўлмайди. Шу маънода судлар учун жазони таъинлаш имкониятини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Умрбод озодликдан маҳрум этиш жазосига алтернатив жазо муддатининг қирқ беш йилгача белгилаш тақлиф қилинаётганининг сабаби шундаки, жиноятчи жазога ҳукм қилинган вақтда 20 ёшга бўлса, жазони ўтаб бўлиш вақти 65 ёшга тўғри келади. Бу унинг биологик нуктаи назардан ижтимоий ҳавфлилик даражасини йўқотган, жиноят қилишга мойиллиги камайган даври ҳисобланади.

Албатта, бундай тақлифлар кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтиши лозим. Зеро, инсон тақдирини ва ҳаёти билан боғлиқ масалалар шомашоарлик билан ёндашиш асло мумкин эмас.

Xabar

МУСТАҚИЛЛИК — ЎЗЛИК ДЕМАҚДИР

Адлия вазирлигида «Хуқуқий билимлар» куни муносабати билан таниқли ижодкор ва савъаткорлар, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, илм-фан ва жамоатчилик вакиллари билан қизқарли учрашувлар ўтказиш яқин анига айланди. Ўтган ҳафта ана шундай учрашувларнинг бири Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдулла Орипов иштирокида бўлиб ўтди.



Таниқли ижодкор миллий мустақилликнинг мазмун-моҳияти, маънавий ва жамият тараққиётига тааллуқли қўлаб муҳим масалалар ҳақида йиғилганлар билан фикр алмашди. Учрашувда таъкидланганидек, мустақилликка эришганимиздан кейин ҳақ-ҳуқуқларимизни, тилимиз, тарихимиз, маданиятимиз ва кадрларимизни билишига, миллий ўзгичлигини аниқлашга жуда кенг имконият туғилди. Давлатимиз раҳбари таърифи билан айтганда, мустақилликка эришганимиздан сўнг биз сохта маркумнинг яққоқлигини мағдурани зугумлардан озод қилиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очдик. Эндики асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўргатиши, ўзига ишончининг ортиб боришидир.

Дарҳақиқат, мустақилликни мустақамлаш юртимизда ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Барча юртдошларимиз эндиликда бир ёқадан бош чиқариб, муқаддас она Ватаннинг ҳаётини манфатларини юрдадан ҳис этган ҳолда фаолият юритиши зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг моҳияти, унинг тарихий аҳамияти миллий ўғониш ва миллий тикланиш жараёни билан боғлиқ. Халқимиз миллият сифатидаги беқибс қадриятларини, асрлар мобайнида шаклланган маънавий-руҳий бойликларини қанчалик қўқур англа-са, миллий ўғониш ҳисси ҳам, шунча кучади. Қабилдан милам, Ватан, аждодлар олдидан бую туйғуларни қанчалик қўқур бўл-ган бўлса, ўзганингизга, ўз миллий қадриятларини тиклашга шўнақли қўқур эҳтиёж сезади. Зеро, мустақиллик — ўзлик де-

мақдир. Шунинг учун ҳам биз мустақиллик учун курашнинг бутун мазмун-моҳиятини шахс маънавий баркамоллиги, унинг ҳар томонлама етуқлиги билан боғлиқ ҳолда тушуноғимиз керак. Ана шунда мустақилликнинг тараққиёт йўллари, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий, ғоявий-ахлоқий асослари мустақам бўлади. Мустақиллик қўлга киритилган, ўзлаштирилган шакллантирилган, маданиятимиз сарнамаларида, ҳали қўқур ўрганиши тақозо этувчи улкан маънавий меросимизга мурожаат қилиш бора-бора тарихий имкониятлар яратилди. Бу эса ҳар бир кишиндан илманиш ва фидойиликни талаб этади.

Учрашув якунида Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов Адлия вазирлиги ходимларини қизиктирган саволларга жавоб бериб, яқин ёзда шеърларидан ўқиб берди.

Умид ЭРГАШЕВА

Mustaqillik — erkin yashash kafolatidir ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ шарофатидан жамиятимиздаги демократиялашув жараёни тобора чуқурлашяпти

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Шу ўринда жазодан қимлар ва қандай жиноятни содир этганлар озод қилиниши мумкин, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавоб шуки, Жиноят кодексининг 26 та моддасида ярашув тамойили ўз ифодасини топган. Яъни қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказган, бировни ноҳақ қўй-наган, (105 ва 111-модда); касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаган (116-модда), инсон ҳаёти ва соғлигини хавф остида қолдирган, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-оналарини моддий таъминлашдан бўйин товланган (122 ва 123-модда), аёлни эрга тегишга мажбур ёки эрга тегишга тўқинлик қилган (136-модда), тўхтаб ва ҳақорат қилган (139 ва 140-модда), муаллифлик ёки ижтимоий ҳуқуқини бузган (149-модда), мол-мулкни ўзлаштирганлар ёки растрата йўли билан талон-тороҳ этган, фибрибарлик ва ўғрилиқ содир қилган, алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш орқали мулкий зарар етказган, мулкни қўриқлашга виждонсизларча муносабатда бўлган, уни қасддан нобуд қилган ёки зарар етказган, рақобатчини обрўсизлантирган (167,170,172,173,192-моддалар), темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспорти, транспорт воситаларининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги, транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлаш, машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланишга доир қоидаларни бузган (260,266,268,298-моддалар) шахсларни қонун ярашув битими асосида жазодан озод қилиши мумкин.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Урганч туманида яшовчи Омон Маматов фуқаро Шоназар Қўшоновнинг машинасига қарата тош отган. Бундан газаби қўзиган ҳайдовчи Омонга ўртача оғирлик даражасида шикаст етказган. Бекпўлат Урозов эса «Т-40» русумли тиркалма трактор билан Хушуд Давлатов ва Илёс Холмуродовни уриб юборган. Натижада улар оғир тан жароҳати олган.

Эски замонда бу каби ҳаракатлар айбдорларни жазолаш билан яқун топарди. Қонунчилигимизда бағрикенглик ва кечирим-лик тамойилларининг қарор топгани боис муроसाга йўл очилди. Ярашув институти нафақат можаролашадиган тарафлар, балки бу

ҳолни қўриб-қузатаётганлар дилида ҳам дарёдиллик туйғуларини уйғотди десак, хато бўлмайди. Бўйин этилган ҳолатларнинг барчасида гуноҳлар айбига иқдор бўлишди. Етказилган зарарни қоплаб, ҳарбийда ва қонун ҳимоячиларидан кечирим сўрашди. Яна бир жабранувчи М.Раҳимов эса хатто айбдор қўшини А.Машарипов билан судга бормасданок ярашиб кетди. Шу боис етказилган зарар учун ундирилмаган тўловдан ҳам воз кечди. Бу каби ибратли мисолларни ана қўлаб келтириш мумкин.

Ҳаётнинг бир ёзилмаган қонидаси бор: бировни ҳадеб ёмонотлиққа чиқараверилса, гарчи у яқин одам бўлса-да, бора-бора инсонийлик сифатларини бой бериши турган гап. Ярашув тамойили қонун томонидан тан олинмаган замонларда ана шу ҳолда кузатилади. Ўйлабмасдан берилган жазо жамиятда қўлганага гайринисоний ҳолатларни пайдо қилган.

Ярашув тамойили тўғрисида муросага келиб, қўнғил губорларини ювиб ташлаётган одамлар, қўни-қўшни ва оилалар сони мамлакатимизда тобора ортиб бормоқда. Буни Хоразм вилояти мисолида ҳам аққол кўриш мумкин. Суд статистика маълумотларига қараганда, қонунчилигимизда ярашув тамойили жорий этилган 2002 йили ўзаро муро-сага келинган муносабати билан 322 нафар фуқарога нисбатан қўзғатилган 297 та, 2003 йили 378 нафар кишига нисбатан расмийлаштирилган 353 та, 2004 йили 395 нафар шахсга нисбатан очилган 370 та, 2005 йили 433 кишига нисбатан қўзғатилган 398 та, ушбу йилнинг биринчи ярмида эса 185 нафар одамга нисбатан қўзғатилган 167 та жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилган. Бунга ички ишлар ва тергов маҳкамалари томонидан тугатилган ишларни ҳам қўшсак, ўзаро ахиллик, муро-са ва ярашувга нисбатан юртдошларимиз қалбидан пайдо бўлган улкан олжанобликни тасаввур этиш янада кенгайди.

Хулоса ўрнида айтсак, давлатимиз раҳбарининг улкан саяё-ҳаракати ва раҳнамолиги тўғрисида ҳаётимизга кириб келган ярашув институти жамиятда баҳамжихатлик инсонийлик ва бағрикенглик муҳитини юзга келтирди.

Абдулла СОБИРОВ, «Инсон ва қонун» мухбири

Taassuf ИНСОФСИЗ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилнинг 1 ноябридаги «Электр энергиясидан фойдаланиш учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан электр энергияси истеъмолчи билан боғлиқ масалалар ўз ифодасини топган.

Яқинда Иштихон тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан ана шу қарор талаблари қандай ижро этилаётгани ўрганиш чикилди. Ўрганиш жараёнида бу борда бир қатор қонунбузилишлар мавжудлиги аниқланди. Хусусан, туман марказида яшовчи фуқаро Азим Раззоқов ховлиси-га ноконуний равишда мойжувоз ускунасини ўрнатиб, электр энергиясидан ҳуфёна фойдаланиб кел-ляётган экан.

Ўрганиш чоғида унинг уйдан 2 миллион 989 минг сўмлик 8900 килограмм чигит, 280 килограмм сифатсиз ёғ, 1,5 тонна кунжара сақлаб қўйилгани маълум бўлди. Қонун ҳужжатлари асосида Азим Раззоқовга ноконуний равишда электр энергиясидан фойдаланиб келгани учун бир миллион сўмга яқин миқдорда жарима жа-

зоси тайинланди. Тумандаги «Уч қаҳрамон» ҳўжалигида яшовчи Ўлбой Қосимов ҳам ноконуний равишда уйига мойжувоз қўриб, электр энергиясидан ўзбошимчилик билан фойдаланаётган экан. У ҳам суд ҳукми билан электр энергиясидан ноконуний фойдаланиши учун 604 минг 446 сўм жаримага тортилди.

Тадбиркор Ҳасим Тошматов туман дехқон бозори ҳудудида жойлашган дўконда электр энергиясидан ноконуний фойдаланиб, давлатга 162,864 сўм миқдорда зарар етказган. Яна бир тадбиркор Бекзод Уроков ҳам худди шу тарзда 317,584 сўмлик электр энергиясидан ҳуфёна фойдаланган. Бозор ҳудудида музаймоқ собатган тадбиркор Мавлуда Ҳўжаева ҳам электр

энергиясидан ўғринча фойдаланиб келаятгани аниқланди. Ўрганиш жараёнида у давлатга қарийб 500 минг сўмлик зарар етказгани маълум бўлди. Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик фаолияти ҳаллоқликни ёқтиради. Унга гирромлик аралашса, иш орқата кетади ва тадбиркор зарар қўради. Шу боис барча ишда бўлгани сингари электр энергиясидан фойдаланишда ҳам қонун талабларига қатъий риоя этиш лозим. Ана шунда баён этилгани сингари ҳолатларга ўрин қолмайди.

Абдулмуҳаммад МУСТАНОВ, Иштихон тумани Давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи, Азим ҚОДИРОВ, «Инсон ва қонун» мухбири



Кўркемлик

XXI АСР НАФАСИ

воқеалар, хабарлар, тафсилотлар

ТЕРРОР ТАҲДИДИ ЙЎҚОЛМАЯПТИ

Буюк Британия ҳукумати мамлакат аҳолисига нисбатан террорчилар томонидан содир этилиши мумкин бўлган таҳликали вазият бироз юмшаганига қарамай, ҳали-ҳамон террорчилик таҳдиди бутунлай йўқолгани йўқ. Лекин разведка хизмати маълумотларига таяниб фикр юритадиган бўлсак, яқин орада жиддий террорчилик ҳаракати содир этилмайди.

Мамлакат махсус хизмати ходимларининг саяё-ҳаракатлари натижа-сида террорчилар томонидан портла-тиб юбориш режалаштирилган Буюк Британия — АҚШ йўналиши бўйича парвоз қилувчи ун-та самолёт ҳалокатдан асраб қолинди.

ҚУРБОНЛАР Сони ОШИМОҚДА

«РИА-Новости» ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, Хитойда 10 август куни бошланган «Саомай» тўғрисида тўғрисида ошиб кетган хитойликлар ҳаётдан қўз юмган. Хитой расмийлари бугунгача тўғрисида 134 нафар фуқаро қурбон бўлиб,

лиги. Бу ҳақда Буюк Британия Ички ишлар вазирлиги берган баёнотда шундай дейилади: «Таҳликали вазият бироз юмшаганига қарамай, ҳали-ҳамон террорчилик таҳдиди бутунлай йўқолгани йўқ. Лекин разведка хизмати маълумотларига таяниб фикр юритадиган бўлсак, яқин орада жиддий террорчилик ҳаракати содир этилмайди.

Мамлакат махсус хизмати ходимларининг саяё-ҳаракатлари натижа-сида террорчилар томонидан портла-тиб юбориш режалаштирилган Буюк Британия — АҚШ йўналиши бўйича парвоз қилувчи ун-та самолёт ҳалокатдан асраб қолинди.

ҚУРБОНЛАР Сони ОШИМОҚДА

«РИА-Новости» ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, Хитойда 10 август куни бошланган «Саомай» тўғрисида тўғрисида ошиб кетган хитойликлар ҳаётдан қўз юмган. Хитой расмийлари бугунгача тўғрисида 134 нафар фуқаро қурбон бўлиб,

1350 нафар фуқаро турли даражада тан жароҳати олгани, 163 нафар киши эса бедарак йўқолгани ҳақида ахборот берганига қарамай, маҳаллий аҳоли тўғрисида 1000 дан ошиб кетган хитойликларнинг умрига зомин бўлганини билдирмоқда. Метеорологларнинг таъкидлашларича, тўғрисида юзга келиш шомолнинг тезлиги соатига 270 километрни ташкил этган. Бундай кучли тўғрисида Хитойдан бундан роппа-роса 50 йил олдин, яъни 1956 йилнинг август ойида Чжаэцзян вилоятида юз берган бўлиб, уч минг нафар хитойликни ҳаётдан олиб кетган.

Расмий маълумотларга қараганда, Фудин вилоятидаги 860 йилда қурилган қадимий «Цзаго» ибодатхонаси тўғрисида натижасида жиддий зарар кўрган. Хисоб-китобларга қўра, ибодатхонани тасмирлаш учун 630 минг АҚШ доллари миқдоридан маблағ керак бўлади.

Хитой ОАВлари тарқатган хабарларда айтилишича, тўғрисида натижасида маҳаллий аҳолидан 4 ярим миллиондан ортиқ киши бошланасиз қолган. Мамлакат бу табиий офат тўғрисида 1,5 миллиард АҚШ долларига тенг зарар кўрган.

КОЛОМБОДА ПОРТЛАШ

Куни кеча Шри-Ланка пойтахти Коломбо шаҳрида кучли портлаш юз берди. Портлаш оқибатида 7 нафар тинч аҳоли вакили қурбон бўлиб, 17 нафар фуқаро турли даражада тан жароҳати олган, деб хабар беради «РИА-Новости» ахборот агентлиги.

Маълумотларга қараганда, портлаш ҳукумат қўшинларига қарши

уюштирилган. Чунки кейинги бир неча ҳафта давомида ўзларини «Тамил Иламани кутқарувчи йўлбарслар» номи билан атовчи гурӯҳ билан ҳукумат қўшинлари ўртасида бир неча бор жиддий тўқнашувлар бўлиб ўтган.

Душанба куни «Тамил Иламани кутқарувчи йўлбарслар» гурӯҳи етакчилари ҳукумат қарорига қарши кучлари мамлакат шимолда жойлашган «Мехрибонлик уйи»ни бомбардимон қилиши натижасида 40 нафар мактаб ўқувчиси ҳаётдан кўз юмиб, 60 нафардан ошиб ўсириллар турли даражада тан жароҳати олгани ҳақида баёнот берган.

Шри-Ланка Мудофаа вазирлиги ҳам юқоридаги маълумотни таъкидлаган бўлса-да, лекин қурбонлар ва ярадорлар ҳақида ҳеч қандай расмий ахборот йўқлигини маълум қилган.

ҲАРБИЙЛАР ЯРАЛАНДИ

Душанба куни Афғонистон пойтахти Қобул шаҳри марказида юз берган портлаш натижасида 4 нафар НАТО ва уч нафар маҳаллий ҳукумат қўшини ҳарбийлари ярадор бўлган.

Маълумотларга қараганда, велосипед юқонасига ўрнатилган портловчи мосламаси йўлдан ҳарбий машиналар қолонаси ўтаётган пайтда ишга туширилган. Ҳозирча бу террорчилик ҳаракати ким томонидан содир этилгани ҳақида аниқ маълумот йўқ.

Интернет материаллари асосида Ислам ҲАМРО тайёрлади

Faoliyat

ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Ўз навбатида оила қонуний никоҳ асосига қурилади. Бунда никоҳдан ўтувчиларнинг соғлиги муҳим аҳамиятга эга. Зеро, инсоннинг саломатлиги жамиятимизнинг энг катта бойлигидир. Шу боис фуқароларнинг соғлигини сақлаш ва уни мустаҳкамлаш вазифасини давлат ўз зиммасига олган. Ҳозирги кунда амалда қўлланилаётган Оила кодексининг 17-моддасида никоҳдан ўтувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш қатъий белгилаб қўйилган.



оиладаги бурч ва мажбуриятлари каби қўллаб-мавузуларда сўз юритилди. Жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида 12 та машғулот ўтказилиб, уларда 860 нафар йигит-қизлар иштирок этди. Оила соғлом муҳитини шакллантириш, фарзандларимизни соғлом бақувват қилиб ўстириш билан бир қаторда, уларни юксак маънавий-ахлоқий қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Шуларни ҳисобга олган ҳолда тусом хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Оила кун» муносабати билан «Қайнона-келин аҳилиги» — оила аҳилиги», деб

номланган тадбир ўтказдик. Унда маҳаллалардан тақлиф қилинган ибратли қайнона-келиндар ёшларга ўз ҳаётий тажрибаларидан сўзлаб беришди. Бундай ибратомуз учрашувлар ва ҳуқуқий тарғибот тадбирлари тумандаги барча қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинида мунтазам равишда олиб борилмоқда. Тарғиботлар эса ўз самарасини бериб, ёшларимиз оила қуриш, оиласини имкон қадар ҳимоя қилиш масалаларида татбиқ қилинмоқда. Утган олти ойи мобайнида туманда 528 та никоҳ рўйхатга олинди. Вазирлар Маҳкамасининг 365-сонли қарорига мувофиқ никоҳдан ўтувчиларнинг барчаси тиббий қўриқдан ўтди. Унинг натижаларига кўра 4 нафар руҳий, 2 нафар тери-таносил касаллиги, 2 нафар сил касаллиги билан касалланганлар аниқланди, тиббиёт ходимлари томонидан соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий

билимини ошириш, жамиятда соғлом оилани шакллантириш, никоҳдан ўтаётган ёшларнинг соғлом оила қуриш борасидаги билим ва масъулиятини ошириш мақсадида маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла хотин-қизлар маҳоратчилири билан ҳамкорлик йўлига қўйилган. Шунингдек, туманда Вазирлар Маҳкамасининг 242-сонли қарорининг бажарилиши юзасидан ҳам доимий тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, оила ҳаётининг абадийлиги, авлодларнинг соғломлиги ва давомийлигини таъминлайдиган, урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажақ авлодлар қандай инсон бўлиб етиштирилади, энг муҳими таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.

Сарвиноз АБДУЛЛАЕВА, Китоб тумани ФХДБ бўлими ходими

Dunyoning ishlari

ТОШГА АЙЛАНГАН ҚИЗ

«Бутун шаҳар аҳли индан тузиган арига ўқнаса-ю, сизлар бамайлихотир ўтирибсизлар! Во ажаб! Бир қиз иконани бағрига босганича тошдек қотиб қолибди. Айтишларича, у худонинг газабига дучор бўлган эмиш...» — деди ҳаяжондан нафаси бўғизга тикланган шифокор Анна.

Бундан 50 йил муқаддам Самардада гайритабиий воқеа юз берган эди. 18 ёшли Зоя исмли қиз авлиё Николай Угодник тасвири туширилган икона билан рақса тушаётди, кутилмаганда тошга айланган қолади. Бу воқеа ҳозир ҳам кўпчиликни ҳайратга солиди. Унинг атрофида минглаб жумбоқли саволлар пайдо бўлди. Уларнинг энг оддийси бу ҳодиса рустми ёки ёлгон деган мазмуда бўлса, энг мураккаби бу дахшати ва сирли ҳодисада қандай илохий сир-синоат бор, деган жумбоқдир.

ИГНАЛАР БАДАНГА КИРМАДИ

Уша даврда қизнинг ҳақиқатан ҳам, тошга айланиб қолганини исботловчи гувоҳлар етарлича топилган. Ҳатто илохий нарсаларни умуман тан олмайдиган партия ташкилотлари йиғинларининг арихив ҳужжатларида ҳам бу воқеа акс этган. Ушбу гайритабиий ҳодиса ҳақида «Бу эртак эмас, ҳозиргача ҳеч ким ечимини топа олмаётган сирли воқеадир», деган хулосага келади Самара вилоятида чоп этиладиган «Благосвет» газетасининг муҳаррири Антон Жоголев. А.Жоголев бу воқеани ба-тафсил ўрганиб, у ҳақда китоб ҳам ёзган. Унда ушбу воқеани ўз кўзи билан кўрган гувоҳларнинг фикрлари ҳам ўз аксини топган. Энг асосийси, ушбу жумбоқли ҳодиса гувоҳларининг айримлари ҳозир ҳам ҳаёт. Муаллиф ва воқеа гувоҳларининг шохидлик беришича, Зоянинг тошга айланиши ҳодисаси қуйидагича содир бўлган:

ТУЗ ТОТМАСДАН 128 КУН...

Мамбааларда айтилишича, Зоя 128 кундан кейин асл ҳолига қайтган, лекин бу пайтга келиб, унинг руҳияти бутунлай ўзгариб кетган. Замонавий тиббиёт илми нуқтаи назаридан олиб қараганда, инсон организми 128 кун озик-овқат ва сувсиз яшаши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам Самара шаҳрига пойтахтдан юборилган шифокорлар, олимлар бундай гайритабиий воқеани, қандай изоҳлашни билмай қолган. Ҳатто бил-рор-бир ташхис қўйишга ҳам журъат қилишолмаган. Зояга даставага «қоқшол касалининг фанга номаълум тури билан касалланган», деб ташхис қўйишди. Маҳаллий партия идоралари мутасаддилари эса унинг касаллик тарихи билан боғлиқ барча ҳужжатлари йўқ қилиб ташлашга тўғри беради...

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тошга айланган Зоя воқеаси ягона сирли ҳодиса эмас. Мисол учун айтсак, Тольятти шаҳри яқинидаги Зуевка қишлоғида яқин йилларгача Марина Ильинична Курбатова исм-шарифи аёл яшаган. У 1932 йили, ҳали 15 ёшлигидакёқ сирли ҳодисага дуч келган. Марина умрининг сўнгги кунига эъ ҳовлиларокчилари Зояни бу ишдан қайтармоқчи бўлишди. Лекин қиз ҳар қандай жазога тайёр эканини билдирди ва қўлига иконани олиб, бағрига босади...

Шундан кейин Зоя олдин-гача бор-йўри бир неча қаддам ташлайди, холос. У рақса тушаётганлар орасига кириб, икона билан рақсага тушмоқчи бўлади ва шу заҳоти турган ҳолатда тошдек қотиб қолади... Ваҳимага тушган меҳмонлар уни иконадан ажратиб олишга ҳаракат қилишди. Лекин икона қизнинг қўлларига ақшақдек ёпишиб қолган эди. Орадан яна бир неча дақиқа ўтиб, қизнинг тана-насида тирикликдан ном-нишон қолмади. Чақирувга би-ноан зудлик билан етиб келган шифокор Анна Зояга би-ринчи тиббий ёрдам кўрсатади. Буни қарангки, шифокорнинг барча уришилари зое кетади. Қизнинг бадани шу даражада қотиб қолган эдики, унга нинча ҳам кирмайди...

Зояга биринчи ёрдам кўрсатган шифокор Аннанинг тушишдан сўнгисини Нина Павловна Калашникова бўлиб ўтган воқеани шундай изоҳ-лайди: — Уша кунни Анна уйга кўрқув ва ҳаяжон билан ки-риб келди. Бу воқеани ҳеч кимга айтмаслик тўғрисида мутасадди идораларга тилхат ёзиб берганига қарамасдан, менга ушбу гайритабиий ҳодиса ҳақида сўзлаб берди. Қизни эмламоқчи бўлгани, бу унинг қўлидан келмагани, Зоянинг танаси тошдек қат-

«Аргументи и факты» газетасидан Зафар ЕҚУБОВ таржимаси

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси Адлия вазирлиги ўринбосари Эсемурат Султамуратович Каньязовга отаси СУЛТАМУРАТ ОТАНИНГ вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдирди

Mitti maslahat

Ҳады шартномаси бўйича бир томон — ҳады қилувчи иккинчи томон — ҳады олувчи ашёни текшига мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади.

Қадимда, масалан, рим ҳуқуқида фақат мулкни текшига бериш ҳады шартномасининг предмети ҳисобланган бўлса, ҳозирги вақтда ҳады шартномасининг мазмунини кеңгайган бўлиб, мулкни қўққни бериш, уни ваъда қилиш ёки мулкни ҳуқуқдан озод қилиш мажбуриятлари қонунда ўз ифодасини топган.

ҲАДЯ ШАРТНОМАСИ

Ҳады шартномаси тузилаётганда ҳады қилувчи шахс ҳадыни аниқ кўрсатиши керак. Ҳады ашё ёки мулкнинг ҳуқуқ бўлиши лозим. Агар ҳады қилувчи ўзининг мол-мулкни ёки унинг бир қисмини ҳады этишни ваъда қилса, бундай шартнома ҳақиқий бўлмайди. Ҳады олувчи ҳады қилувчининг ўлимидан кейин ҳадыни топширишни назарда тутувчи шартнома ҳам ҳақиқий ҳисобланмайди.

Ҳады шартномаси икки тарафлама битим бўлиб, унда ҳар иккала томоннинг розилиги талаб этилади. Қабул қилувчи ҳады ўзига топширилганича хоҳлаган вақтда уни рад қилиши мумкин.

Ҳады шартномаси озғак ва ёзма шаклда тузилиши мумкин. Кўчар мулк ҳады этилаётганда, ҳады қилувчи юридик шахс бўлса, фуқаролар ўртасида энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ миқдорда шартнома тузилаётганда шартнома ёзма шаклда тузилиши мумкин. Аммо кўчмас мулкни ва авто-мототранспорт воситаларини ҳады қилиш нотариал тартибда расмийлаштирилиши шарт. Қонуннинг бу талабига риоя этил-маса, шартнома ҳақиқий эмас, деб топилади.

Ҳадыдан воз кечиш агар ҳады шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлса, ёзма, озғак тузилган бўлса, озғак шаклда амалга оширилади. Агар ҳады қилувчининг моддий аҳоли ёмонлашган бўлса, у шартномани бажаришдан бош тортиши мумкин. Ҳады олувчи ҳады қилувчи ёки унинг оила аъзолари, яқин қариндошларининг ҳаётига ёки соғлиғига қарши атай жиноят содир этган бўлса, ҳады шартномасини бекор қилиш учун судга мурожаат қилинади. Агар ҳады олувчи ҳады қилув-чини қасддан ўлдирса ҳады қилувчининг ворислари судда ҳады-ни бекор қилиш ҳақида талаб билан чиқишлари мумкин.

Ҳады шартномаси ҳады қилувчининг хоҳиш-иродасига кўра тузилиши керак. Агар мажбурий шартларда тузилган бўлса, бундай шартнома бекор қилиниши лозим. Фуқаролик кодексининг 507-моддаси, 3-қисмига кўра агар ҳады қилувчи учун катта номулк қийматга эга бўлган ҳады бўлса, ҳады олувчи ҳады қилувчи ёки унинг оила аъзолари, яқин қариндошларининг ҳаётига ёки соғлиғига қарши атай жиноят содир этган бўлса, ҳады шартномасини бекор қилиш учун судга мурожаат қилинади. Агар ҳады олувчи ҳады қилув-чини қасддан ўлдирса ҳады қилувчининг ворислари судда ҳады-ни бекор қилиш ҳақида талаб билан чиқишлари мумкин.

Ҳады шартномаси ҳады қилувчининг хоҳиш-иродасига кўра тузилиши керак. Агар мажбурий шартларда тузилган бўлса, бундай шартнома бекор қилиниши лозим.

И. ҚАЛҚОНОВ, ҳуқуқшунос



Тибқият таровати

ЭЪЛОН!

Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси Узун тумани давлат нотариал идорасидаги битта бўш давлат нотариуслиги лавозимига танлов эълон қилади

Ушбу танловда иштирок этишни истаган нотариал фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариал бўйича Малака комиссиясига 2006 йил 10 сентябрда қадар қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишни лозим:

- 1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусخаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғул-ланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Нотариал фаолият билан шуғул-

- лар тегишлича Адлия вазирлиги раҳ-бариятига ёки адлия бошқармаси бошлиғи томонидан имзоланган ҳамда ушбу талабдорнинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз мазмунига мувофиқ унга топширилган вазифа тўғрисида маълумотнома;
8. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсиф-нома.

Танлов-вилоят адлия бошқармаси биносида ўтказилади. Манзилми: Термиз шаҳар, А.Икромов кўчаси, 40-уй, тел/факс: 7-57-98

Jinoyat va jazo

НАФС ҚУТҚУСИ

Халқимизда «Оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичиди», деган мақол бор. Бироқ орамизда шундай кимсалар ҳам учрайдики, улар ўз қилишларига яраша олган жазодан тўғри хулоса чиқара олишмайди. Хусусан, Термиз шаҳар судининг ҳукми билан тайинланган қамоқ жазосини ўтаб қайтган Омон Икромов маҳалладошлари қошида тавба қилганида унга кўпчилик ишонган, энди қадамани ўйлаб босар, деб умид қилган эди. Афсуски, унинг тили бошқа-ю, дили бошқа экани тезда аён бўлди.

Тошкент темир йўл вокзали-га ишга жойлашган Омон Ик-ромов уч ойгача қўй оғзидан қўп олмайдигандай мўмин-қўп бўлиб юрди. Бироқ ўша пайтдаёқ атрофга зимдан аланглаб, нималарни ўмарши мумкинлигини мўлжаллаган экан. Тез орада у пинҳона ре-жасини амалга оширди: шимо-лий темир йўл вокзали билан Тошкент метрополитени ер ости йўли туташган жойга ту-шиб, алоқа кабелига болта урди ва қариб 78 метр кабел-ни кесиб олиб, Янгиобод бо-зорида пуллаш учун яшириб қўйди. Ҳисоб-китобларга қара-ганда, ўғирланган кабелнинг нархи 174.084 сўмни ташкил

этаркан. Уни ўрнатишга кета-диган харажатлар билан қўшиб ҳисоблаганда 335.699 сўм 55 тиин талаб этилади. Бу ҳали ўғирланган қимматбаҳо металлдан ишланган махсулот-нинг қиммати, яъни О.Икромов етказган моддий зарарнинг қиймати. Лекин масаланинг бо-шқа томони ҳам бор. Ўғирлик оқибатида поездлар ва метро-политен вагонлари ҳаракати издан чиқиб, йўловчилар хавф-сизлигига путур етиши ҳам мумкин эди. Темирйўлчилар ва метропо-литен ходимларининг ҳушёрли-ги, Тошкент транспорт ички ишлар бошқармаси ходимла-рининг тезкор ҳаракати туфай-

ромов меҳмонхонанинг дераза ойнасини синдириб, ичкарига кирди ва нархи 16.000 сўм бўлган «МЭТО-1» русумли фо-тоаппаратини ва 220.000 сўм пулни ўмариб, жуфтакни рост-лаб қолди. Фуқаро Ш.Ниёзовнинг аризасига мувофиқ, гумондор сифатида сўроқ қилинган Омон Икромов терговни чал-гитишга ҳаракат қилиб кўрди. Бироқ бузоқнинг юрганига со-монхонагача деганларидек, унинг уйи тинтув қилинганда «МЭТО-1» русумли йўқолган фотоаппарат ҳамда целлофанга ўралган 220.000 сўм пул ҳам топилди. Жинояти дали-лий ашёлар билан исботлан-ган, муттаҳамлигини яшириш-нинг ўза ҳорасини тополма-ган О.Икромов қилган ўғир-ликлари тафсилотларини ўз қўли билан ёзиб беришга мажбур бўлди.

Яқинда жиноят ишлари бўйи-ча Миробод тумани суди икка-ла жиноят бўйича Омон Ик-ромовни айбдор деб топиб, уни Жиноят кодексининг 169-мод-даси, 3-қисми «а» банди би-лан 5 йил муддатга озодлик-дан маҳрум этди. Олий Маж-лис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституция-си қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»-ги қарорнинг 6-моддаси «а» бандига асосан унга тайинлан-ган жазо муддати учдан бири-га қисқартирилди. Шунингдек, О.Икромовдан жабранувчи Ш.Ниёзова фойдасига 100.000 сўм миқдорда моддий зарар ундирилди деган бўлди. Жиноят жазосиз қолмасли-ги тайин, албатта. Лекин оила-ли, қолаверса, олий маълумот-ли бўла туриб ҳаётда қўним то-полмаган, нопок йўллар билан пул топишни ўзига ел кўрган кимса, шубҳасиз, жазога лойик. Нафс қутқуси сабр-қаноати суст, дунёқароши тор ва худ-диш кишининга шу кўйга со-лиши мумкин. Халқимизда бир-ни кўриб фикр қил, бирни кўриб зикр қил, деган қимат бор. О.Икромовнинг қилиш-ларидан ва уларнинг оқибати-дан огоҳ бўлиб, теварак-атро-фимизга тийрак назар солсак, ҳалол яшаб, турмушимизни пе-шо-на тери билан топишган ризқ-рўз билан таъмин этсак — шунинг ўзи биз учун бахт-саодат эмасми?!

Шерзод ЛУТФУЛЛАЕВ, ҳуқуқшунос

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатура бўйича Малака комиссиясининг 2006 йил 5 августдаги қарори билан фуқаро Полсов Нормурад Бобомуратович номига берилган SA 000155 серияли, 155 рақами билан давлат реестрида қайд этилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берув-чи лицензия бекор қилинди.

ИНСОН ВА ҚОНУН
МУАССИСА: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан навр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Мағбулот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ТАҲСИЛ: Бўриғош МУСТАФОЕВ, Икхлёр АБДУЛЛАЕВ, Пулат САМАТОВ, Манжура РАЖАБОВА, Хуриш СОДИҚОВ
АХБОРОТ РАҲМОНИ: Абдуқамол РАҲМОНОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислам ҲАМРО, Нормейли НОРПУЛАТОВ

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарход ХУЖАНАЗАРОВ
Таҳририятга юборилган қўлёма-лар ағзаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрисидаги учун масъулият муаллифлар зиммасида-дир.

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер ба-засида терлиди ва сақланади. А-2 бичимда, 2 босма тасвир ҳақида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа ак-циядорлик компанияси Босмахонасида босилди. Қоржона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрқон кўчаси 41-уй. Буюр-ма Г-1015. Тиражи — 7500. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайиғноҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
1 2 3 4 5